

МАЪНАВИЙ ЖАСОРАТ — мазмун-моҳияти, фал-й ифодаси И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида инсоният тарихидаги ёрқин мисоллар орқали очиб берилган т. Мазкур т. ер юзидаги барча ўлмас обидаларни, инсоният ҳаётини тубдан ўзгартириб юборган жамики улуғ кашфиёт ва ихтироларни, мумтоз санъат ва адабиёт дурдоналари ҳамда мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини кўрсатган инсонларнинг мислсиз ақл-заковати ва юксак маънавий салоҳиятини ифодалайди. Унда инсоннинг ўз ҳаётини маъ-ятни ўстириш ва юксалтиришга бағишлаши, кишиларни тўғри йўлга бошлаш мақсадида ҳар қандай фаолият билан маънавий жиҳатдан алоҳида намуна кўрсатиши каби хислатлар ўз ифодасини топади. Китобда таъкидланишича, **“Буюк цивилизация ва маданият бешиги бўлган, кўхна ва хайратомуз тарихни ўзида мужассам этган Ватанимиздаги бебаҳо ёдгорликлар, осори атиқалар ҳақида сўз юритилар экан, шу заминда яшаётган барча инсонлар уларни аввало халқимиз даҳосининг ёрқин намунаси, таъбир жоиз бўлса, унинг юксак маънавиятига қўйилган муаззам ҳайкаллар, деб қабул қилади. Шунинг учун ҳам бу ёруғ оламда энг буюк жасорат нима, деган саволга, ҳеч иккиланмасдан, энг буюк жасорат – бу маънавий жасорат, деб жавоб берсак, ўйлайманки янглишмаган бўламиз.**

Жаҳон тарихига назар ташлайдиган бўлсак, қалбида, юрагида ана шундай жасорат ҳисси ниҳоятда кучли бўлган инсонлар ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам адолат ва ҳақиқат йўлида ўзини аямай, эл-юрт учун, Ватан учун қандай ибратли ишларни амалга оширганини кўриш мумкин. Айнан ана шундай одамларнинг маънавий фазилатлари туфайли эзгу ҳис-туйғулар, муқаддас ва улуғ тушунчалар дунёда ҳануз барқарор бўлиб келмоқда. Бундай беназир зотларнинг барча халқлар ва миллатлар орасида кўплаб топилиши — маънавий жасорат туйғуси бутун башариятга хос хусусият эканидан далолат беради.

Мас., неча алардан буён юксак тафаккур ва ақл-заковат тимсоли бўлиб келаётган юнон файласуфлари Сократ ва Платон, улуғ боболаримиз Абу

Райҳон Беруний ва Аҳмад ибн Муҳаммад Хоразмий, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Улуғбек, Навоий “...ўрта асрларда астрономия соҳасидаги илмий кашфиётлари учун тазйиқ ва таъкибларга учраган Николай Коперник ҳамда кейинчалик унинг изидан бориб, жоҳил ва ақидапараст руҳонийлар томонидан ўтга ташланган Жордано Бруно, қанчадан-қанча таъна ва маломатларга гирифтор этилган Галилео Галилей каби алломаларнинг жасоратида ҳам ҳақиқатга садоқат, эътиқод учун курашнинг ёрқин намунаси яққол намоён бўлганини кўрамиз.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, халқимиз тарихнинг ҳар қандай тўфон ва суронларига қарамасдан, миллий ўзлиги ва азалий қадриятларини сақлаб қолиб, бугунги дориломон замонларга безавол етиб келишида унинг қон-қони, суяк-суягида бўлган маънавий жасорат туйғуси, ҳеч шубҳасиз, ҳал қилувчи таъсир ўтказиб келмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, олис ва яқин тарихимиз шуни кўрсатадики, халқимиз доимо маънавий жасорат ҳисси билан яшаган ва бу улуг туйғу унинг ҳаётида йиллар, асрлар ўтгани сайин тобора кучайиб, юксалиб бормоқда. Чунки халқ маънавияти шундай бир буюк уммонки, ҳар қайси авлод ундан куч-қудрат, ғайрат ва илҳом олиб, ўзининг нақадар улкан ишларга қодир эканини намоён этади. Шу маънода, 1991 йил 31 август санасида қўлга киритилган миллий мустақиллик — XX асрда халқимиз томонидан амалга оширилган буюк маънавий жасорат намунасидир”. Чунки мустақиллик халқимизга кимдир томонидан инъом қилинмаган, унга осонгина эришилмаган. Балки у Президент Ислам Каримов раҳбарлигида оғир курашлар натижасида, юксак маънавий жасорат туфайли қўлга киритилган. Мустақиллик барча ислохот ва ўзгаришлар, халқимиз ҳаётида рўй бераётган буюк бурилиш ва улкан натижаларни бошлаб берган тараққиётимизнинг тамал тошидир. Уни асраш, мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.